

COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ ДЕМОГРАФИК ВА ИЖТИМОЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Mirzoyeva M. R.

<https://orcid.org/0000-0003-1014-9071>,

mirzoyeva.mehriniso@bsmi.uz

Холов У.А.

<https://orcid.org/0009-0008-5603-8549>

Бухоро давлат тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21102583>

COVID-19 инфекциясининг тарқалиши ва оғир кечишига таъсир этувчи демографик ҳамда ижтимоий омилларни ўрганиш эпидемиологик тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Кўплаб тадқиқотларда беморнинг ёши, жинси, яшаш жойи ва ижтимоий ҳолати касаллик оқибатларига сезиларли таъсир кўрсатиши таъкидланган.

Williamson Emily J. ва ҳаммуаллифлар томонидан Буюк Британияда 17 миллиондан ортиқ аҳоли маълумотлари асосида ўтказилган тадқиқотда COVID-19 билан боғлиқ ўлим ҳолатлари асосан катта ёшдаги аҳоли орасида учраши аниқланган. Муаллифлар 60 ёшдан юқори шахсларда касалликнинг оғир кечиши ва леталлик хавфи сезиларли юқори эканлигини кўрсатганлар (3).

Peckham Hannah томонидан ўтказилган мета-таҳлил натижаларига кўра, эркакларда COVID-19 инфекциясининг оғир шакллари ва ўлим ҳолатлари аёлларга нисбатан кўпроқ учраши қайд этилган. Бу ҳолат эркакларда иммун жавоб хусусиятлари, зарарли одатларнинг кўпроқ тарқалганлиги ҳамда сурункали касалликларнинг юқори учраши билан изоҳланган (2).

Bambra Clare ўз тадқиқотларида COVID-19 тарқалиши ва касаллик оқибатлари ижтимоий омиллар билан ҳам узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаган. Муаллифнинг фикрича, қишлоқ аҳолиси ва ижтимоий ҳимояси нисбатан паст қатламларда тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги ҳамда профилактик тадбирлар қамровининг камлиги касалликнинг оғир кечиши хавфини оширади (1).

Шундай қилиб, замонавий адабиётлар таҳлили COVID-19 инфекциясининг оғир кечишида беморнинг ёши, жинси ва яшаш жойи муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Айниқса, 60 ёшдан юқори шахслар, эркаклар ва тиббий хизмат имкониятлари чекланган ҳудудларда яшовчи аҳоли COVID-19 бўйича юқори хавф гуруҳини ташкил этади. Бу ҳолат мазкур демографик ва ижтимоий омилларни касалликни эрта прогнозлаш ҳамда профилактик чора-тадбирларни режалаштиришда ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

Мақсад. COVID-19 билан касалланган беморларда ёш, жинс ва яшаш жойининг касаллик оғирлиги билан боғлиқлигини баҳолаш.

Материал ва усуллар. Тадқиқотга 190 нафар COVID-19 билан касалланган бемор жалб қилинди. Асосий гуруҳни оғир кечувчи беморлар (n=98), қиёсий гуруҳни енгил ва ўрта оғир кечувчи беморлар (n=92) ташкил қилди. Назорат гуруҳига 40 нафар амалий соғлом одамлар киритилди.

Натижалар. Тадқиқотга жалб қилинган COVID-19 билан касалланган беморларнинг демографик ва ижтимоий хусусиятлари таҳлили касалликнинг оғир кечиши бир қатор омиллар билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Беморларнинг ёш таркиби ўрганилганда, COVID-19 инфекциясининг оғир шакллари асосан катта ёшдаги аҳоли қатламида учраши аниқланди. Асосий гуруҳда 61–74 ёшли беморлар 55,1% (54 нафар) ни ташкил этган бўлса, қиёсий гуруҳда мазкур кўрсаткич 44,6% (41 нафар) ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида эса ушбу ёш тоифаси вакиллари 27,7% (11 нафар) ни ташкил этди. Шу билан бирга, асосий гуруҳда 75 ёш ва ундан катта беморлар улуши ҳам юқори бўлиб, 13,3% га тенг бўлди. Асосий гуруҳда 35 ёшгача бўлган беморлар кузатилмаганлиги COVID-19 оғир кечиши асосан катта ёшдаги аҳолида учрашини тасдиқлайди.

Гуруҳлар бўйича ўртача ёш кўрсаткичлари таҳлил қилинганда ҳам статистик аҳамиятли фарлар қайд этилди. Назорат гуруҳида ўртача ёш $47,7 \pm 2,88$ йилни ташкил этган бўлса, қиёсий гуруҳда мазкур кўрсаткич $55,11 \pm 2,0$ йилгача ошган ($p < 0,001$). Асосий гуруҳда эса ўртача ёш $65,44 \pm 0,9$ йилни ташкил қилиб, ҳам назорат, ҳам қиёсий гуруҳ кўрсаткичларидан ишончли даражада юқори эканлиги аниқланди ($p < 0,001$). Бу ҳолат ёш ўтиши билан иммун тизим фаолиятининг пасайиши, сурункали касалликларнинг кўпайиши ва организмнинг инфекцияга қарши курашиш қобилияти сусайиши билан изоҳланади.

Беморларнинг жинсий таркиби таҳлили натижалари COVID-19 инфекциясининг оғир шакллари эркаклар орасида нисбатан кўпроқ учрашини кўрсатди. Асосий гуруҳда эркаклар улуши 54,1% (53 нафар) ни, аёллар улуши эса 45,9% (45 нафар) ни ташкил қилди. Қиёсий гуруҳда эркаклар ва аёллар улуши тенг бўлиб, ҳар бири 50,0% (46 нафар) дан тўғри келди. Назорат гуруҳида эса аксинча, аёллар улуши юқори бўлиб, 67,5% (27 нафар) ни ташкил этди. Ушбу натижалар эркакларда COVID-19 инфекциясининг оғир кечишига мойиллик юқорироқ эканлигини кўрсатади. Бундай ҳолат эркакларда иммун жавоб хусусиятларининг фарқ қилиши, зарарли одатларнинг кўпроқ учраши ва сурункали касалликларнинг кенг тарқалганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Яшаш жойи бўйича таҳлил натижалари ҳар икки беморлар гуруҳида ҳам қишлоқ аҳолиси улуши устун эканлигини кўрсатди. Асосий гуруҳда қишлоқ аҳолиси 63,3% (62 нафар), шаҳар аҳолиси эса 36,7% (36 нафар) ни ташкил қилди. Қиёсий гуруҳда мазкур кўрсаткичлар мос равишда 69,6% (64 нафар) ва 30,4% (28 нафар) га тенг бўлди. Қишлоқ аҳолиси улушининг юқори бўлиши тадқиқот ўтказилган ҳудудларда аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшаши билан бир қаторда, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги, профилактик тадбирлар қамровининг пастлиги ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан ҳам изоҳланиши мумкин.

Хулоса. COVID-19 инфекциясининг оғир кечиши катта ёш, айниқса 61 ёшдан юқори аҳоли қатламида кўпроқ учраши аниқланди. Эркак жинси ва қишлоқ аҳолиси орасида касаллик оғир кечишига мойиллик юқорироқ эканлиги

кузатилди. Ёш COVID-19 оғирлигини баҳолашда муҳим прогностик омил ҳисобланади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Bambra Clare, Riordan R., Ford J., Matthews F. The COVID-19 pandemic and health inequalities // *Journal of Epidemiology and Community Health*. – 2020. – Vol. 74, №11. – P. 964–968.
2. Peckham Hannah, de Gruijter N.M., Raine C. et al. Male sex identified by global COVID-19 meta-analysis as a risk factor for death and ICU admission // *Nature Communications*. – 2020. – Vol. 11. – Article 6317.
3. Williamson Emily J., Walker A.J., Bhaskaran K. et al. Factors associated with COVID-19-related death using OpenSAFELY // *Nature*. – 2020. – Vol. 584, №7821. – P. 430–436.